

## ЖАҲОН ВА МИЛЛИЙ ТАРЖИМА МАКТАБЛАРИДА ТАРЖИМАНИНГ ЛИНГВИСТИК ЖАРАЁН СИФАТИДА ШАКЛЛАНИШИ

Каландарова Рўзахон  
ЎзДЖТУ 3-курс талабаси

**Аннотация:** Ушбу мақолада дунё ҳамжамиятида ўз ўрнига ега бўлган таржима мактаблари ҳамда таржимонларифранцуз ва ўзбек тиллари таржимачилигида ва шарқшунослигида ўзбек фольклори ва мумтоз адабиёти бўйича амалга оширилган ишлар ва уларнинг бир тилдан иккинчи тилга таржима қилиш жараёнидаги муаммолар кўрсатилган.

**Калит сўзлар:** муайян, тилмоч, таржимашунос, ёзма таржима, огаки таржима, кетма кет таржима, таржима назарияси, жанр, бадиий, нобадиий.

Таржима ҳақида илк назарий фикрлар дастлаб қадимги Римда юзага келган бўлиб, юнон ва латин тилларини мукамал билган Аристотел, Цицерон ва Горацій таржима жараёнида сўз кетидан кувиш ярамайди, уларнинг маъно ифодаларини аввал тарозида ўлчаб, кейин таржима қилиш маъқул, деган фикрни билдирганлар. Кейинчалик Италияда Бартоломео ва Манетти, Францияда дю Белле ва Малерб, Англияда Бекон ва Драйден, Германияда Гёте ва Гумбольдт, Россияда Ломоносов ва Сумароков таржима хусусида ўз назарий тушунчаларини билдириб ўтганлар. Хуллас, то XX асрга қадар “таржима” сўзи муайян маъно касб этиб, фақат тарихий, фалсафий ва адабий асарлар ўгирмасига нисбатан қўлланилиб келинган, оғзаки таржимонга нисбатан эса туркийда “тилмоч”, славянларда “толмач”, немис тилида “dolmetschen”, инглиз ва француз тилларида “interprete” атамалари ишлатилган. Таржима назарияси хусусида айтилган фикрлар ҳам шу йўсинда умумий маънога эга бўлган. Масалан, таниқли француз тилшуноси Жорж Муненнинг таъкидлашича, Ф.де Соссюр (1857-1918) ва О. Гарри Есперсен (1860-1943) тадқиқотларида таржима назарияси ҳақида фикрлар йўқ, ҳатто Ш. Балли (1865-1947) ва Ж. Вандриес (1875-1960) асарларида ҳам бу хусусида мулоҳаза билдирилмайди. Таржима назариясига бағишланган илк тадқиқотлар ўтган асрнинг йигирманчи йилларида юзага кела бошлади. Бу даврда нашр қилинган Ф.Р.Амос, Ж.П.Постгет, О.М.Финкел, М.П.Алексеев китобларида, Санжар Сиддиқнинг “Адабий таржима санъати” (1936 й.) рисоласида ҳам таржима назариясини фан сифатида эътироф қилувчи аниқ фикрлар билдирилмаган эди. Таржима назариясини фан сифатида таърифловчи ва бунга даъват этувчи тадқиқотлар асрнинг эллагинчи йилларига келиб эълон қилина бошланди. Аниқроғи, 1952 йил “Иностранные языки в школе” журналинда таниқли таржимон И.Кашкиннинг “Ишончсиз тамойил ва ноаниқ хулосалар” ва таниқли тилшунос А.А.Реформатскийнинг “Таржиманинг лингвистик масалалари” номли мақолаларининг чоп қилиниши бу соҳада баҳс-мунозараларнинг бошланишига сабаб бўлди. Масалан, профессор А.А.Реформатский ўз мақоласида “таржима

амалиёти барча фанлар учун хизмат қилса-да, таржима назарияси мустақил фан бўла олмайди. У тилшуносликнинг бир бўлимигина бўлиши мумкин”, деган даъво билан чиқади. Тез орада олимнинг бу фикрига қарши таржимашунос А.В.Федоров: “Таржима назарияси фан сифатида эътироф қилиниши зарур. Фақат у қурилиши жиҳатидан тилшунослик йўналишига вобаста бўлмоғи керак” деган ғояни илгари суради. Бу йилларда Ўзбекистонда ҳам таржима назарияси хусусида дадил фикрлар айтила бошланди. Асқад Мухтор, Жуманиёз Шарипов, Ғайбулла Саломов, Нинел Владимироваларнинг таржима назариясидан баҳс юритувчи рисола ва мақолалари нашр қилинди. 1953 йили Ҳалқаро таржимонлар уюшмаси – F.I.T. (Fédération Internationale des Traducteurs) нинг ташкил қилиниши таржимон ва таржимашунослар фаолиятининг янада раванқ топишида муҳим рол ўйнади. 1955 йилдан уюшма органи “Babel” (“Бобил”) журнали нашр этила бошланди. Бу йилларда турли мамлакат олимларининг таржима назарияси муаммоларига бағишланган тадқиқотлари бирин-кетин босилиб чиқди. Улар орасида француз Жорж Муненнинг “Гўзал, аммо бевафо”, инглиз Теодор Саворининг “Таржима санъати” китоблари ўша даврда муҳим аҳамият касб этди. Айниқса, канадалик тилшунослар Ж.П.Вине ва Ж.Дарбелненинг 1958 йилда нашр қилинган “Француз ва инглиз тилларининг қиёсий стилистикаси. Таржима тадоригида” монографиясида таржима назарияси қиёсий тилшунослик йўсинида талқин қилиниб, муаллифлар уни соф тилшунослик измидаги фандир, деган тезисни илгари сурдилар. Улар ўз фикрларини таниқли тилшунос олим Шарл Балли таълимотига яқинлаштириб, таржима ҳам икки тилга мансуб системадир, у аслият ва таржима тилининг ўзаро яқинлашуви жараёнида юзага келади. Бу жараёнда аслият тили ўз ҳолатини ўзгартирмайди, таржима тили эса мавжуд шароитга қараб ўзгаради ва аслият тилининг лисоний ҳолатларини ўзида ифода этишга мажбур бўлади, деган тўхтамга келдилар. Ўтган асрнинг олтмишинчи йиллари бошида француз олими Э.Карининг “Таржима назарияси сари” ва америкалик тилшунос Ю.Найданинг “Таржима назарияси хусусида” номли мазмунан бир-бирини тўлдирувчи тадқиқотлари босилиб чиқди. Э.Кари ўз китобида таржима назариясини мустақил фан тарзида эътироф этиш билан бирга умумий “таржима назариясини яратмоқ пайти келди”, деган фикрни билдирган бўлса, Ю.Найда таржима амалиёти ва назариясининг бевосита илмий тамойилларини ишлаб чиқмоқ лозимлигини уқтириш билан, таржима назариясига “динамик эквивалент” (сўзларнинг тенг маъноли муқобиллари) тушунчасини олиб кирди. Олтмишинчи йиллар охири ва етмишинчи йиллар бошида ғарб таржимашунослигида Жорж Мунен (Франция), Иржий Левий (Чехословакия), С.Влахов ва С.Флорин (Болгария) каби олимлар эътиборга молик тадқиқотлар яратдилар. Масалан, Жорж Мунен ўзининг “таржима – доимо тил билан боғлиқ ҳодисадир” мазмунидаги тезисини бадий таржима жараёнига ҳам тааллуқлидир, дейиш билан қуйидаги фикрни илгари суради: “Ҳар бир асар ўз даврининг ижтимоий-маданий ҳодисаси бўлиб, у фақат ўша халқ тили орқали ифодаланади, тилнинг иштироки ва бевосита такомиллашуви эвазига юзага келади.

Шундай экан, ушбу асарни иккинчи бир тилга ўгириш ҳам фақат тил воситасидагина амалга оширилади ва лисоний ҳодисага айланади". Ж.Муненнинг ушбу концепцияси ва Р.Якобсон (АҚШ)нинг "Таржиманинг лингвистик тамойиллари" мақоласида илгари сурилган таржиманинг семиотик (белгиларга асосланган) тушунчаси ва тиллараро лисоний ҳодиса эканлиги ғоясига асосланган "Лейпциг мактаби" вакиллари ўтган асрнинг етмишинчи йилларида таржиманинг лингвистик назарияси билан жиддий шуғулландилар. Масалан, улар тилшунос Отто Каде (Германия) тарафидан истеъмолга киритилган "транслация" атамасини "таржима" сўзи билан алмаштириш мақсадга мувофиқлигини маъқул топишди. Сабаби, "транслация" (лат. транслатио – ўтказиш, кўчириш, алмаштириш) тушунчаси "таржима" тушунчасига нисбатан умумийроқ маънога эга бўлиб, у "ёзма таржима" ва "оғзаки таржима" тушунчаларини ўз ичига қамраб олади. "Лейпциг мактаби" издошларидан бўлган немис тилшуноси Катарина Райс ўзининг "Таржима танқидининг чегараси ва имкониятлари" китобида тилшуносларнинг лингвистик назариясига бир қадар аниқлик киритиб, "Отто Каде, Рудольф Юмпелт, Юджин Найда, Ролф Клёпфер ва Ралф-Райнер Витеноуларнинг охириги ўн беш йил ичида эълон қилган тадқиқотлари таржимашунослик илмида муҳим аҳамият касб этса-да, бироқ то ҳанузга қадар таржима амалиётининг барча соҳаларини ўзида қамраб олган мукамал тадқиқот яратилмади", деган фикрни илгари сурди. Масалан, О.Каде тадқиқотларида прагматик матнлар таржимаси, Р.Юмпелт илмий-техникавий матнлар таржимаси, Ю.Найда (АҚШ) "Инжил" таржимаси, Р.Клёпфер бадиий матнлар таржимаси, Р. Р. Витеноу (Исроил) эса классик матнлар таржимаси мисолида ўз назарий концепцияларини яратишга муваффақ бўлдилар. Тилшунос Катарина Райс таърифича, таржима амалиётида асосий ҳолат матннинг турлитуманлигига боғлиқ бўлиб, олима қуйидаги матн турларини келтириб ўтади: а) прагматик матн; б) бадиий матн; в) оғзаки матн. Биринчисида таржимон аниқлик ва муқаррарликка, иккинчисида образлиликка; учинчисида эса суҳбатдош нутқининг мазмунига асосий эътиборни қаратмоғи лозим бўлади. Тошкент Давлат университети (ҳозирги ЎзМУ) нинг филология ва журналистика факультети хузурида ташкил этилган Таржима назарияси кафедраси проф. Ғ.Саломов раҳбарлигида бу ишга бош-қош бўлди. Айниқса, олимнинг 1973 йилда нашр қилинган "Таржима тарихи", "Таржима назариясига кириш", "Умумий таржима назарияси асослари" ўқув дастурлари республикамиз олий ўқув юртларида таржима назарияси курсини ўқитишда асосий дастурамал бўлиб хизмат қилди. Шундан сўнг унинг "Таржима асослари" (1976) ва "Таржима назариясига кириш" (1978) дарсликлари эълон қилинди. Олим уларда таржима – лисоний, адабий-эстетик ҳодиса, сўз санъати, таржимон эса ижодкордир, деган тезис асосида таржима жараёнини кенг миқёсда тадқиқ қилиб берган эди. Хуллас, профессор Ғайбулла Саломовнинг "Таржима назариясига кириш" дарслиги олий ўқув юртларининг филология факультетларида таълим олаётган талабалар ва таржимашунослик илми борасида назарий тадқиқотлар яратишга киришган илмий ходимлар учун ҳам



йўриқномага айланди. Шунингдек, Ж.Бўронов, Э.Азнаурова, Қ.Мусаевларнинг дарслик ва монографиялари, А.Абдуазизов, Н.Комилов, М.Сулаймонов, Р.Файзуллаева, Я.Эгамова, И.Мирзаевларнинг диссертация ва мақолаларида таржиманинг лингвистик назарияси хусусидаги баъзи фикрлар давом эттирилди. Бу йилларда Европа тилшунослари ҳам таржима назариясининг турли лингвистик тамойилларини ишлаб чиқишга ҳаракат қилдилар. Масалан, немис олимлари Р.Юмпелт, А.Людсканов ва К.Райс таржима назариясини “тил ҳақидаги ва тилшуносликка таянувчи фан”, деб уқтириш билан, бадий асар таржимасида асосан матннинг жанр хусусияти ва “матн формаси” муҳим ўрин тутуди, деган тўхтамга келдилар. Сабаби, бадий асар таржимасида матндаги информацион мазмун эмас, балки ундаги контекстуал (тагмазмун) маъно ифодасини сақлаб қолмоқ зарурдир. 1980-йилларга келиб таржима назариясининг тилшунослик йўналиши тамойиллари янада такомиллашди. Таржиманинг адабиётшунослик йўналишига мансуб И.Кашкин ва Г.Гачечиладзенинг “реалистик таржима назарияси” ўрнини Д.Дюришиннинг “таржима ҳалқаро адабий жараён тараққиётида муҳим ўрин эгалловчи адабиётлараро коммуникатив воситадир” дегувчи назарияси эгаллади. Лингвистик таржима назарийчилари Р.Клөпфер, Р.Р.Витеноу, И.Левий қарашларининг давомчиси словакиялик олим А.Попович таржиманинг коммуникатив асосларини ишлаб чиқди. Бироқ олим Р.Клөпфер, И.Левий ва И.Кашкин, Г. Гачечиладзе фикрларига қарши ўлароқ, тилшуносларни таржиманинг яқдил ва аниқ лингвистик талқинга асосланган назариясини яратишга даъват этди. Масалан, А.Попович таржима назариясининг шаклланган лингвистик асослари умумий маъно касб этиб, у бадий таржима қонуниятларига тамомила мос келмаслигини таъкидларкан, бадий таржима амалиётини моделлаштиришда фақат асар матнига, унинг таҳлили ва талқинига тааллуқли лингвистик жиҳатларнигина ҳисобга олмоқ зарур, тўлиқ лингвистик моделларни бадий матн таржимасига мажбуран юкламаслик керак, деган хулосага келади. Бу йилларда Ўзбекистонда профессор Ғайбулла Саломов (ТошДУ) ва профессор Жуманиёз Шарипов (ЎзФА) раҳбарлигида шаклланган таржимашунослик мактаби олимлари таржима назариясининг умумфилологик муаммоларини тадқиқ қилиш билан машғул бўлдилар. Масалан, Р.Файзуллаева, М.Сулаймонов, И.Мирзаев каби олимлар немис, инглиз, француз тилларидан ўзбек тилига таржиманинг лингвистик масалалари мавзусида тадқиқотлар яратишган бўлсалар, Ш.Рўзиев, Я.Эгамова, Д.Ғуломова, Қ.Жўраев, М.Холбеков, М.Бақоева, Н.Отажонов, У.Сотимов, Ж.Юсупов, Ё.Ҳамроев каби таржиманинг умумфилологик муаммоларини тадқиқ этган номзодлик диссертацияларини ҳимоя қилдилар. Улар изидан таржимашунослик илмига қадам қўйган С.Хайтов, С.Олимов, З.Исомиддинов, Р.Абдуллаева, Ғ.Хўжаев, Қ.Тожиев, Б.Эрматов, С.Азимов ва бошқалар жаҳон адабиётидан ўзбек тилига ўгирилган таржима асарларининг бадий жиҳатларини ўргандилар. Устоз Ғайбулла Саломов ўзининг таржима назарияси борасидаги изланишлари натижаси ўлароқ 1982 йил “Адабий анъаналар ва бадий таржима муаммолари” мавзусида докторлик

диссертациясини ҳимоя қилди. Тадқиқотда олим асосан таржимада адекватликка эришиш принципларини таҳлил қиларкан, бу борада Шекспир асарлари таржимаси мисолида “таржима таъсир-таржима” тамойилини кенг маънода асослаб берди. Олимнинг бу иши унинг таржима назарияси бобида яратган сўнгги йирик тадқиқоти бўлиб қолди. Таниқли тилшунос Ю.Найда эса таржима назариясига тўрт тарафлама, яъни филологик, лингвистик, коммуникатив ва социосемантик ёндашув лозимлигини тақлиф этади. Филологик ёндашув замирида бадий матн, яъни унинг структуравий ва стилистик хусусиятлари мужассам бўлиб, уларнинг ечими лингвистик назарияга таянади. Лингвистик ёндашув замирида эса икки тилнинг лексик ва синтактик ҳолатларига эътиборни қаратмоқ лозим бўлади. Бу ҳолатда тилларнинг коммуникатив функциясига таянилади. Таржимага учинчи ёндашув – соф коммуникатив жараён ҳисобланиб, унда асосан ижтимоий шароит ва коммуникаторлар орасидаги ўзаро мулоқот ҳисобга олинади. Тўртинчиси, таржимага нисбатан социосемиотик ёндашув ҳисобланиб, унда таржима қилинаётган матн учта асосий факторга: белги, референт (матн) ва интерпретант (талқин қилувчи) га асосланади. Бу жараёнда асосан синонимик белгилар (элементлар) ҳал этувчи вазифани бажаради. Юқоридаги барча талқинлар соф лингвистик характерга эга бўлиб, таржима назариясини ҳозирги замон тилшунослик фани қонуниятлари билан вобасталиги ва коммуникатив алоқа воситаси функциясини бажариши исботланди. Ва ниҳоят FITнинг собиқ президенти, болгариялик таржимашунос Анна Лилова аслият ва таржиманинг типологик таҳлилини лингвистик назария ва тарихий жараён билан боғлаб олиб бориш зарурлигини уқтираркан, у ёки бу матнни ўгиришда таржимон шу жиҳатларни эътиборга олмоғи зарур, дея таъкидлайди. Олиманинг таърифлашича, таржиманинг қуйидаги уч тури: а) оғзаки таржима; б) ёзма таржима; в) машина таржимаси ва уч асосий жанри: а) ижтимоий-сиёсий адабиётлар; б) бадий адабиёт; в) илмий-техникавий матнлар таржимаси мавжуддир. Анна Лилованинг асл нусха матнининг жанр ва шакл хусусиятлари таржима мезонини белгиловчи асосий омил ҳамдир, деган фикри то ҳозирга қадар ўз қимматини сақлаб келмоқда. Бу даврда Ўзбекистонда ҳам таржима назарияси ва адабий алоқалар йўналишида бир қатор илмий тадқиқотлар яратилди. Масалан, Нажмиддин Комилов (“Хоразм таржима мактаби”, 1987), Қудрат Мусаев (“Таржиманинг лингвостилистик муаммолари”, 1988), Муҳаммаджон Холбеков (“Ўзбек-француз адабий алоқалари: таржима, танқид ва идрок тадориғида”, 1991), Қ.Жўраев (“Шеърлий таржималарни ҳалқаро адабий ва фольклор контекстида қиёсий ўрганиш”, 1991)нинг докторлик тадқиқотлари юзага келди. Шунингдек, таржима муаммоларига бағишланган ўнлаб номзодлик диссертациялари ҳимоя қилинди. Аммо ўзбек таржимашунослари ғарб олимларининг таржима назарияси хусусидаги баҳс-мунозараларида иштирок этолмадилар. Таъбир жоиз бўлса, бу даврга келиб ўзбек таржимашунослик илми бир қадар орқада қола бошлади. 1993 йил Москва шаҳрида бўлиб ўтган таржимон ва таржимашуносларнинг ҳалқаро симпозиумида сўзга чиққан инглиз тилшуноси

Г.Тури таржиманинг жанр хусусиятларига тўхталаркан, ҳар қандай вазиятда “адабий таржима” атамасини қўллаш маъқуллигини таъкидлаган эди. Унинг фикрича, таржима “бадий” ва “нобадий” асар матнини ўзга тилда қайта тиклашдан иборат бўлиб, уларнинг ҳар иккаласи ҳам аслиятда адабий тил нормаларини ўзида мужассам этажагини унутмаслик керак. Шундай экан, иккала тил (аслият ва таржима) нинг адабий нормаларидан баб-баробар фойдаланмоқ ва уларни ҳисобга олмоқ талаб этилади. Демак, таржима А.Лилова таъбирича, адабий тил ҳосиласидир. Ёки, тилшунос Р.Р.Витеноу таъбири билан айтганда, вақт ўтиши билан таржима асари ҳам “ватан адабиёти” хазинасидан ўрин олиб, аслиятда яратилган илмий ва бадий китоблар (жанр хусусиятидан қатъи назар) қаторида ўқувчига ўз “герменевтик” таъсирини ўтказиши мумкин.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Холбеков М. Жаҳон адабиёти. Тошкент, 2013.
2. Ревзин И.И., Розенцвейг В.Ю. Основы общего и машинного перевода. Монография, Москва, Высшая школа, 1964.
3. Хамраев Х.К. Воссоздание национального колорита произведений узбекской прозы во французских переводах (на материале произведений Айбека и А. Каххара). Автореф. дисс. канд. филол. наук. Ташкент, 1998.
4. Саломов Ғ. Тил ва таржима. Тошкент, Фан, 1966.
5. Мустаев Қ. Таржима назарияси асослари. Тошкент, Фан, 2005.